

Банк ҳисобварағини очиш ва комплекс банк хизматларини кўрсатиш тўғрисида оммавий оферта

Тошкент шахри

“___” _____ 20__ й.

“Ушбу оммавий оферта (кейинги ўринларда – Шартнома деб аталади) «Гарант банк» АЖ томонидан юридик шахслар ва якка тадбиркорларга банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари кўрсатиш бўйича шартнома тузиш учун йўлланган расмий оммавий таклиф ҳисобланади ва у Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 ва 370-моддаларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Ушбу Шартнома “Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (рўйхат рақами 3420, 2023 йил 8 феврал) асосида ишлаб чиқилган.

Шартнома тузиш мижознинг ваколатли шахси томонидан ушбу Шартнома шартларини акцепт қилиш орқали амалга оширилади. Акцепт қилиш мижознинг ваколатли шахси томонидан мазкур Шартноманинг 1-сонли иловасига мувофиқ равишда тўлдирилган ва тегишли тарзда расмийлаштирилган Аризани тақдим этиш ҳаракати орқали амалга оширилади. Шунингдек, ушбу ҳаракат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, электрон ҳужжат айланмаси тизимлари орқали электрон рақамли имзо қўлланилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

1. АТАМАЛАР

Ушбу Шартномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Банк ҳисобварағи — банк томонидан шартномага мувофиқ мижозга очилган ҳисобварақ бўлиб, унга кўра банк мижознинг ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобга киритиш, мижознинг ҳисобварағидан тегишли пул маблағларини ўтказиш ҳамда бериш ва ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги топшириқларини бажариш мажбуриятини зиммасига олади;

Талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақ — мижозларнинг биринчи талаби биланок бериладиган ёки ўтказиб бериладиган маблағларнинг ҳисоби юритиладиган банк ҳисобварағи;

Асосий ҳисобварақ – Мижоз давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг биринчи марта очиладиган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи;

Муддатли депозит ҳисобварақ — шартномада қатъий келишилган муддатга қўйилган мижозларнинг маблағлари ҳисоби юритиладиган банк ҳисобварағи;

Жамғарма депозит ҳисобварақ — бу мижозларнинг даврий бадаллари асосида шаклланиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун жамғариладиган ва шу мақсад учун йўналтириладиган ёхуд шартнома бекор қилиниши натижасида қайтариладиган маблағлар ҳисоби юритиладиган банк ҳисобварағи;

Валютадаги депозит ҳисобварақ – хорижий валютада очиладиган талаб қилиб олингунча депозит ҳисоби бўлиб, унда амалга ошириладиган операциялар рўйхати ҳамда ҳисоб-китоб шакллари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари, ушбу Шартнома ва Банкнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади;

Махсус валютадаги ҳисобварақ – сотиб олинган, лекин фойдаланилмаган, шунингдек, ушбу ҳисобдан аввал ечиб олинган, аммо қайтарилган хорижий валютани ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисоб;

Махсус сўм ҳисоби – валюта бозорида конвертация қилиш учун маблағларни резерв қилиш ҳисоби;

Карта (корпоратив банк картаси/якка тартибдаги тадбиркорнинг банк картаси) – «Гарант банк» АЖ логотипига эга тўлов картаси бўлиб, Банк томонидан Мижозга берилади ва корпоратив карта / якка тадбиркор картаси эгасига карта ҳисобига жамланган маблағлардан нақд пулсиз тўлов шаклида товарлар, ишлар ёки хизматлар учун фойдаланиш ҳуқуқини беради;

Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари / Тўлов ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ёки ушбу Шартнома билан тасдиқланган шаклда тузилган қоғоз шаклдаги ёки электрон ҳужжатлар бўлиб, улар Банкка ҳисоб бўйича тўлов амалиётларини амалга ошириш тўғрисидаги топшириқни ўз ичига олади;

Тезкор тўловлар тизими – банклараро тизим бўлиб, у масофавий банк хизматлари орқали 24/7 режимида реал вақтда тўловларни амалга ошириш имконини беради;

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун Банк мижозларининг топшириқларини бажариш бўйича комиссия тўловлари тарифлари – Томонлар ўртасида келишилган ҳолда Банк томонидан кўрсатилган хизматлар учун белгиланган ҳақ миқдори ва ставкалари (кейинги ўринларда – Тариф деб аталади);

Internet-banking/Mobile-banking – Интернет орқали электрон тўловлар ва электрон ҳужжат айланмасини амалга ошириш учун мўлжалланган, интеграциялашган банк тизими таркибидаги дастурий таъминот;

Банк амалиётлари куни – банк иш кунининг ҳисоб амалиётларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун ажратилган қисми;

Валюта – ҳар қандай давлат ёки давлатлар гуруҳининг қонуний тўлов воситаси: хорижий валюта ёки миллий валюта – Ўзбек сўми;

Томонлар – Банк ва Мижоз;

Ариза – Мижоз томонидан Банкка қоғоз шаклида ёки МБХ (масофавий банк хизматлари) тизими орқали тақдим этиладиган, хорижий валютани сотиб олиш/сотиш ёки бир хорижий валютани бошқасига конвертация қилиш бўйича конверсион амалиётни амалга ошириш ҳақидаги топшириқ шаклидаги ариза;

Валюта операциялари — валюта қимматликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўтиши билан боғлиқ операциялар, валюта қимматликларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, жўнатиш ва ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, жўнатиш ва ўтказиш, резидентлар ва норезидентлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси валютасидаги операциялар;

Электрон рақамли имзо (ЭРИ) – Мижознинг «Internet-banking/Mobile-banking» тизимида фойдаланиши учун мўлжалланган хавфсизлик махфий калити бўлиб, у «I-Key»/«ePas» электрон рақамли имзо ҳимоя қурилмасида сақланади (кейинги ўринларда – I-Key»/«ePas деб аталади).

Электрон рақамли имзо — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгаришлар натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик мавжуд эмаслигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо калитининг эгасини идентификация қилиш имконини берадиган имзо (кейинги ўринларда –ЭРИ деб аталади).

2. ШАРТНОМАНИНГ МОҲИЯТИ

2.1. Ушбу Шартнома қуйидагиларни тартибга солади:

а) Банк томонидан Мижозга мазкур Шартноманинг 2-илоvasида келтирилган хизматларини кўрсатишни (Банк томонидан Мижозга кўрсатиладиган хизматлар ва Тарифлар рўйхати Банкнинг расмий веб-сайтида ҳам жойлаштирилади);

б) Масофадан хизмат кўрсатиш тизимидан (МХКТ) фойдаланган ҳолда банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш ва I-Key электрон калитдан фойдаланиш шартларини (Шартноманинг 3-илоvasи);

в) “Гарант банк” АЖнинг корпоратив пластик карталарини фойдаланишга бериш ва хизмат кўрсатиш шартларини (Шартноманинг 4-илоvasи);

г) Мижоз ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни “Гарант банк” АЖнинг “UZCard” ва/ёки “HUMO” пластик карталарига ўтказиш (кирим қилиш) йўли билан бериш шартларини (Шартноманинг 5-илоvasи);

д) Хорижий валютани харид қилиш ва сотиш бўйича операцияларни ўтказишни, шунингдек валюта ўтказмаларини амалга ошириш шартларини (Шартноманинг 6-илоvasи);

е) Савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан пластик карталарга хизмат кўрсатиш шартларини (Шартноманинг 7-илоvasи);

ж) Мижозларга QR online хизматидан фойдаланиш шартларини (Шартноманинг 8-илоvasи);

з) SMS-Банк тизими ёрдамида масофавий ахборот хизматларини кўрсатиш шартларини (Шартноманинг 9-илоvasи).

2.2. Ушбу шартнома шартномаларининг қабул қилиниши билан мижоз шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган хизмат турларининг шартлари билан танишган ҳисобланади. Мижоз ушбу шартлар билан банк сайти (ёки бошқа электрон манбалар) орқали тўлиқ танишиши мумкин. Бунда масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида Мижоз хизматлардан фойдаланишидан олдин мазкур тизим орқали шартнома шартлари билан танишиб чиқиш ва ундан нусха олиш имкониятига эга.

Ушбу Шартнома, мазкур Шартноманинг 2.1-банди б-ж кичик бандларида кўрсатилган қоидаларига қўшилиш тўғрисидаги шартнома ҳам ҳисобланади, бунда Мижозга ушбу Шартноманинг 2.1-банди б-ж кичик бандларида санаб ўтилган хизматларни кўрсатиш керак бўлган тақдирда қўлланилади. Тегишли банк хизматларни кўрсатиш учун Мижоз томонидан Ариза билан Банкка (тизимга уланиш ва ҳ.к.) мурожаат қилган кундан бошлаб (Мижознинг аризасида кўрсатилган сана) Банк хизматларни кўрсатишни бошлайди.

2.3. Мижоз томонидан шартномани акцепт қилиш унинг номига ҳисобрақам очиш учун асос бўлади, агар Шартномада бошқача ҳол белгиланмаган бўлса.

2.4. Аризада Шартномада назарда тутилган бошқа банк хизматларидан фойдаланиш ҳам сўралган бўлиши мумкин. Шартномада назарда тутилган хизматлардан фойдаланиш учун Мижоз Аризада зарур бўлган хизматлар қаршисида тасдиқловчи белгини (галочка) қўйиши лозим.

2.5. Мижозни идентификация қилиш натижасида олинган маълумотлар, жумладан Мижоз томонидан Банкка тақдим этилган маълумотлар асосида Банк Мижозга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги қарор қабул қилади, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса. Шу билан бирга, Банк Мижоздан қўшимча маълумот сўраш ҳуқуқига эга.

2.6. Мижоз Банк билан келишилган ҳолда I-Key/ePass ёки E-IMZOдан Банк тасдиқлаган шаклига мувофиқ ҳужжатларни имзолаш, шунингдек Internet-bankingдан фойдаланиш воситаси сифатида фойдаланиши мумкин.

2.7. Мижозни «Internet-banking/Mobile-banking» тизимига улаш унга ҳисобрақам очиш вақтида амалга оширилади.

2.8. Томонлар Мижозни «Internet-banking» тизимига улаш жараёнида қўлланиладиган ахборотни ҳимоя қилиш усуллари (E-IMZO (ЭРИ) ёрдамида аутентификация қилиш), шунингдек, тўлов операцияларини амалга ошириш учун Мижозга берилган фойдаланиш воситаларини (махфий хавфсизлик калити), «Internet-banking/Mobile-banking» тизимига кириш учун ягона паролни ва электрон хабарлар алмашинувини электрон хабарлар муаллифлигини ва ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳамда ноқонуний киришлардан ҳимоя қилиш учун етарли деб эътироф этади.

2.9. Электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – I-Key/ePass)ни сақловчи хавфсизлик калити (махфий калит)ни топшириш «Internet-banking» тизимидан фойдаланиш учун I-Key/ePass калитини қабул қабул қилиш Акти асосида амалга оширилади. Ушбу Акт ҳар икки Томон томонидан имзоланади ва ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади (11-сон Иловалар).

2.10. Томонлар «Internet-banking/Mobile-banking» тизими билан ишлашда ягона вақт ҳисобланиши сифатида Ўзбекистон Республикаси вақти (UTC+5, Тошкент)ни тан

оладилар, назорат вақти эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг аппарат воситалари тизим соати маълумотларига мувофиқ белгиланади.

2.11. Банк томонидан кредитлар, факторинг, молиявий лизинг, қимматли қоғозларнинг ҳисобварағини юритиш ва сақлаш, қимматли қоғозларни бошқариш, андеррайтинг, махсус хоналарни ёки уларда сақланаётган сейфларни ижарага бериш, кафолат ва кафиллик бериш хизматларини кўрсатиш, ҳамда халқаро банклар амалиёти ва қонунчилигига мувофиқ бошқа хизматларни кўрсатиш, хизматлар учун фоиз ставкалари ва тарифлар, Мижоз томонидан омонат ва муддатли депозитларга маблағларни жойлаштириш, шунингдек банк маслаҳатлари ва бошқа ахборот хизматлари алоҳида шартномалар билан тартибга солинади.

3. INTERNET-BANKING ОРҚАЛИ МАСОФАДАН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ/ MOBILE-BANKING

3.1. Мижознинг ҳисобрақами бўйича «Internet-banking/Mobile-banking» орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда электрон ҳисоб-китоб ҳужжати сифатида тўлов топшириқномаси, тўлов талаби ёки хорижий валютадаги ўтказма юборилиши мумкин.

3.2. «Internet-banking/Mobile-banking» тизимида амалга ошириладиган аниқ операциялар рўйхати, улардан фойдаланиш тартиби, кириш ва бажариш процедуралари Мижоз учун мўлжалланган **Фойдаланувчи қўлланмаси** ҳамда ушбу Шартнома билан белгиланади.

Интеграциялашган банк тизимининг «Internet-banking/Mobile-banking» (мижоз қисми) кичик тизими бўлган Фойдаланувчи қўлланмаси Банкнинг корпоратив веб-сайтида (www.garantbank.uz) жойлаштирилган.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ушбу Шартномага мувофиқ Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

4.1.1. Мижоз топшириғига биноан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоб-касса хизматларини кўрсатиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳисоб-китоб ва касса операцияларини амалга ошириш, шу жумладан:

- агар ушбу Шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган талаблар асосида Мижоз томонидан ҳисобварақлар очиш учун ҳужжатлар тақдим этилган кундан сўнг, кейинги иш кунидан кечиктирмай ҳисобварақларни очиш амалга оширилади. Ҳисобварақлар очиш учун ҳужжатлар, Мижознинг имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчасида кўрсатилган шахслар томонидан шахсан тақдим қилинади, таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларни ва яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида масофадан туриб ҳисобварақлар очиш ҳоллари бундан мустасно;

- Мижоз ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини қабул қилиш ва тегишли тўлов ҳужжати (миллий ва хорижий валютада) Банкка келиб тушган куннинг ўзида ёки кейинги иш кунидан кечиктирмай Мижоз ҳисобварағига киритиш;

- Мижознинг ҳисобварағидан пул маблағларини, тегишли тўлов ҳужжатлари асосида ўтказиш (тўлаш) тўғрисидаги топшириқларини бажариш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ Мижознинг қарз мажбуриятлари бўйича тўлов талабномаларини ва инкассо топшириқномаларини бажариш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Мижоздан ҳам миллий ҳам хорижий валютада нақд пул маблағларини қабул қилиш ва бериш;

- бошқа ҳисоб-китоб, касса хизматларини кўрсатиш (Банк ва Мижоз ўртасида тузилган алоҳида битимлар билан тартибга солинадиган муносабатлар бундан мустасно).

4.1.2. Банк Мижоз томонидан Ариза топширилгандан кейин 5 (беш) банк иш куни ичида Мижозни МХКТга улаши ва уни МХКТда ишлаш бўйича тавсиявий кўрсатмалар

бериш мажбуриятини олади.

4.1.3. Мижоз ҳисобварағидан маблағни фақат унинг топшириғи бўйича ёки унинг розилиғи билан ҳисобдан чиқариш (агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса).

Мижоз ҳисобварақларидан пул маблағларини унинг розилигисиз ҳисобдан чиқариш қонун ҳужжатларида ва ушбу Шартномада назарда тутилган ҳолларда рухсат берилади.

Банк томонидан Мижознинг банк ҳисобварағи, шу жумладан, банк карталари бўйича (банк карталаридан фойдаланаётган пайтда “PIN-код”ни нотўғри териблиши оқибатида блокка тушган ҳолатлар бундан мустасно) амалиётлар тўхтатиб қўйилганда, Банк амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Мижозга унинг ҳисобварағига хизмат кўрсатиш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан хабарнома (маълумотнома) юбориши шарт.

Банк томонидан кредитлар ва унга тенглаштирилган операциялар, лизинг бўйича қарздорликларни сўндириш учун банк ҳисобварағи (шу жумладан, банк карталари бўйича) маблағлар Мижознинг топшириғисиз ҳисобдан чиқарилганда, Банк ушбу маблағ ҳисобдан чиқарилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Мижозга унинг ҳисобварағидан қанча миқдордаги маблағ қандай сабабларга асосан ва кимнинг фойдасига чиқарилганлигини кўрсатган ҳолда хабарнома (маълумотнома) юбориши шарт.

Ушбу бандда назарда тутилган хабарномалар (маълумотномалар) Мижозга шахсан Мижознинг аризасида белгиланган коммуникация каналлари орқали топширилиши мумкин. Хабарномани (маълумотномани) олиш усули ушбу Шартномага илова қилинаётган Мижознинг аризасида белгиланади. Мижоз хабарнома (маълумотнома) етказиш усулини Банкка шахсан ёки почта орқали ёзма ариза тақдим этиш йўли билан ўзгартириш ҳуқуқига эга. Хабарномани (маълумотномани) Мижозга етказиш усули ўзгарганлиги муносабати билан ушбу Шартномага ўзгартиришлар киритиш талаб этилмайди.

4.1.4. Мижоз ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлмаганда ёки етарли маблағ бўлмаган тақдирда, унга тўлов учун тақдим қилинган барча мажбуриятларни, тўланмаган тўлов суммасини 2-сонли Картотекага жойлаштириш (қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолатлар бундан мустасно).

4.1.5. Банк хизматларини, шу жумладан МХКТ орқали тақдим этиладиган хизматларни кўрсатишни ва пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишни, шу жумладан электрон пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини иш кунлари соат 09:00 дан 17:00 гача Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган иш кунида амалга оширади (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари).

Агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Банк тўлов кунида, белгиланган вақт ичида қабул қилинган, агарда у банк операция кун давомида келиб тушган бўлса, электрон пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини амалга ошириш мажбуриятини олади. Тўлов ҳужжатлари банк операция кун тугагандан сўнг келиб тушса, Банк кейинги иш кунидан кечиктирмай электрон тўловни амалга оширади мажбур, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мижознинг бошқа топшириқларини қуйидаги муддатларда амалга ошириши керак:

- Мижознинг Бош офисдаги ҳисобварақлари бўйича ўтказмалари - Банкка ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган операция кун якунланишидан 1 соат аввал тақдим этилганда - шу куннинг ўзида, ушбу вақтдан кеч тақдим қилинган ҳолда – кейинги кун;

- бошқа операциялар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган муддатларда.

4.1.6. Мижознинг топшириғига кўра ҳисоб-китоб операцияларини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг амалдаги қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириш.

Пул-ҳисоб-китоб ва тўлов ҳужжатлари ижро этиш учун Банк томонидан фақат Мижознинг тақдим қилган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчада

кўрсатилган шахслардан ва Мижознинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахсдан қабул қилинади.

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги аниқланмаган электрон пул ҳужжатлари ижрога қабул қилинмайди.

4.1.7. Тўлов ҳужжатларини қабул қилаётганда барча зарур реквизитлар мавжудлигини текшириш ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатларини ижросини таъминлаш.

4.1.8. Мижозни текинга (бепул) касса ҳужжатлари (нақд пул топшириш эълонномалари ва бошқа зарур бланкалар) билан таъминлайди.

4.1.9. Мижознинг талабига кўра Мижознинг ўзига ёки унинг ишончли вакилига шахсий ҳисобварақ бўйича кўчирма ва бошқа тегишли ҳужжатларни бериш.

4.1.10. Мижозга тааллуқли бўлган банк сири билан боғлиқ маълумотларнинг сир сақланишини кафолатлаш. Мижоз ҳисобварағида амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотларни учинчи шахсларга унинг розилигисиз фақат амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда тақдим этиш.

4.1.11. Мижоз ҳисобварағидаги мавжуд пул маблағларининг сақланишини таъминлаш.

4.1.12. Мижоз ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлса ва маблағларни банд қилишга брон мавжуд бўлган ҳолларда, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни берилишини таъминлаш.

4.1.13. Халқаро тўловлар тўлов ҳужжатлари қабул қилинган пайтдан бошлаб икки иш кунидан кечикмаган ҳолда, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши керак.

4.1.14. Мижозга «Internet-banking/Mobile-banking» орқали маълумот алмашиш учун зарур бўлган дастурий таъминот ва фойдаланиш воситаларини (махфий хавфсизлик калити ва паролни) тақдим этиш.

4.1.15. Мижоз ўзининг Шартнома бўйича мажбуриятларини бажарган тақдирда, унга «Internet-banking/Mobile-banking» хизматини сифатли ва ўз вақтида кўрсатиш. Мижознинг электрон тўлов топшириқномаларини бажариш Мижознинг тегишли ҳисобида мавжуд маблағлар доирасида ва банк ҳисобварағи шартномасида белгиланган муддатларда амалга ошириш.

4.1.16. Бошқа шахсларнинг Мижоз ҳисобидаги маблағлар миқдори ва «Internet-banking/Mobile-banking» орқали амалга оширилган операциялар ҳақидаги маълумотларга ноқонуний киришини олдини олиш чораларини кўриш.

4.1.17. Мижознинг «Internet-banking/Mobile-banking» орқали юборган сўровига биноан, Банк томонидан электрон шаклда Мижоз ҳисобидан чиқувчи ва ҳисобга кирувчи тўловлар ҳақида маълумот тақдим этиш. Шунингдек, менюда алоҳида бўлим сифатида маълум бир давр учун ҳисоб варағидан чиқарма (выписка) шакллантирилади.

4.1.18. Мижоз Фойдаланувчи қўлланмаси талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда, «Internet-banking/Mobile-banking» орқали амалга ошириладиган операцияларда узатиладиган маълумотларнинг хавфсизлиги, махфийлиги ва яхлитлигини таъминлаш.

4.1.19. Банк тарифларига ўзгартиш киритилаётганлиги тўғрисида Мижозни камида 10 (ўн) календарь кун олдин хабардор қилиш. Бу ҳақдаги маълумот Банкнинг корпоратив веб-сайтида (www.garantbank.uz) жойлаштирилади, шунингдек, Банк танловига кўра бошқа усуллар орқали ҳам етказилиши мумкин.

4.1.20. Мижозга «Internet-banking/Mobile-banking»дан фойдаланиш бўйича техник ва дастурий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ҳисоб-китоб касса хизматларига оид бошқа масалалар бўйича кўмак бериш.

4.1.21. «Internet-banking/Mobile-banking» хизмати кўрсатилишига оид масалалар бўйича Мижозга ахборот ёрдамини таъминлаш.

4.1.22. Мижоздан электрон рақамли имзо (I-Key/ePass/E-IMZO) ёки мобил қурилма йўқолгани ёки учинчи шахслар томонидан ноқонуний фойдаланилиши эҳтимоли ҳақида

расмий ёзма хабар келиб тушган тақдирда, Мижоз ҳисобидаги пул маблағларининг сақланишини таъминлаш. Банк Мижознинг ушбу электрон рақамли имзо билан аутентификация қилинган пул-ҳисоб-китоблари ҳужжатлари бўйича барча операцияларни тўхтатиши ва Мижозда I-Key/ePass/E-IMZO қўллаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларни бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

4.2. Мижоз ушбу Шартнома асосида қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

4.2.1. Банкка ҳисобварақ очиш ва у бўйича банк операцияларини амалга ошириш учун амалдаги қонун ҳужжатларида талаб қилинадиган барча зарур ҳужжатларни тақдим қилиш.

4.2.2. Банкнинг белгиланган иш вақти тартиботи, тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибига риоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари талабларини бажариш.

4.2.3. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш.

4.2.4. Банкнинг талабига кўра, қонун талабларига мувофиқ Мижознинг операциялари бўйича, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги маълумотларни Банкка тақдим этиш.

4.2.5. Мижознинг топшириғига кўра МХКТ орқали учинчи шахсларнинг тўловларини амалга оширишга йўл қўймаслик, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4.2.6. Мижоз томонидан электрон рақамли имзо ёпиқ калити йўқолган тақдирда ёки идентификация ва аутентификация маълумотлари учинчи шахсларга маълум бўлиб, қолгани бўйича шубҳа туғилганда, Мижоз МХКТ орқали хизмат кўрсатишни тўхтатиш тўғрисида дарҳол Банкни хабардор қилиш. МХКТ ишини қайта тиклаш фақат Мижоз билан келишилган ҳолда 5 иш куни ичида амалга оширилади.

4.2.7. Тўловларни фақат ўзининг Банкда очилган талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварағи(лар)даги маблағлар қолдиғи доирасида амалга ошириш.

4.2.8. Корпоратив пластик карталарнинг Карта ҳисобварақларига киритилган пул маблағларидан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига, ушбу Шартнома шартларига ва кўрсатиб ўтилган турдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни амалга ошириш учун Банк томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ фойдаланиш.

4.2.9 Барча тўлов ҳужжатларини имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчада кўрсатилган шахсларнинг шахсий имзоси (факсимиле имзо муҳри қўйиш тақиқланади) қўйилган ва муҳри босилган (агар муҳр мавжуд бўлса) ҳолда тақдим этиш.

4.2.10. Ўз ҳисобварағи бўйича кўчирма (ёки Масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали ҳисобварақ ҳолати тўғрисидаги маълумот) олинган кундан бошлаб икки иш куни ичида ўз ҳисобварағига бегона маблағлар келиб тушганлиги тўғрисида Банкка хабар бериш.

4.2.11. Ташқилий-ҳуқуқий шакли, юридик манзили ўзгарган ҳолда, тўлов ҳужжатларини имзолаш ҳуқуқига эга бўлган янги раҳбар ва/ёки бош бухгалтер тайинланган тақдирда, ушбу ўзгаришлар ҳақида Банкни 3 (уч) иш куни ичида хабардор қилиш ва тегишли ҳужжатларни тақдим этиш.

4.2.12. Банкка берилган ишончномаларнинг бекор қилинганлиги ҳақида дарҳол хабар бериш, бунда бекор қилинаётган ишончнома реквизитларини ва ушбу ишончномада кўрсатилган мижоз вакилини Банк томонидан аниқлаш имконини берувчи маълумотларни кўрсатиш лозим. Ишончномани ўз вақтида бекор қилиш тўғрисида Банкка хабардор этилмаганлиги ёки белгиланган тартибда хабар берилмаганлиги натижасида келиб чиқиши

мумкин бўлган зарар ва бошқа салбий оқибатлар учун Мижоз жавобгар ҳисобланади.

4.2.13. Мижоз банкрот деб эълон қилинган тақдирда, суд қарори чиқарилган кундан эътиборан 10 (ўн) календар кун ичида Банкка хабарнома юбориш; агар суд мижозга нисбатан банкротлик тартибини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса — бундай қарор чиқарилган кундан эътиборан 2 (икки) иш куни ичида Банкни хабардор этиш.

4.2.14. «Internet-banking/Mobile-banking » белгиланган талабларга, жумладан, пуллик-ҳисобот ҳужжатларини киритиш ва узатиш тартиби ҳамда хавфсизлик режимига оид талабларга риоя этиш. «Internet-banking/Mobile-banking » орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда маълумотларни ҳимоя қилиш талабларига амал қилиш.

4.2.15. Банкдан олинган мижознинг электрон рақамли имзоси сақланган хавфсизлик калитини тегишли тарзда фойдаланиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган Е-ІМЗО электрон рақамли имзоларга оид талабларга риоя этиш. Ушбу калитни учинчи шахсларга бериш тақиқланади, фойдаланишда у ўғирланишидан, жисмоний ёки электрон шикастланишидан, ишдан чиқишидан сақланиши лозим.

4.2.16. Хавфсизлик воситалари ва/ёки улар ҳақидаги маълумотлар йўқолган ёки учинчи шахслар томонидан ноқонуний равишда фойдаланилаётган ҳолда Банкка дарҳол (ёзма ёки оғзаки) хабар бериш.

4.2.17. Шартнома бекор қилинганидан кейин хавфсизлик махфий калитини Банкка тегишли акт асосида (Илова №11) қайтариш.

4.2.18. «Internet-banking/Mobile-banking » тизимида белгиланган технология, пуллик-ҳисобот ҳужжатларини киритиш ва узатиш тартиби ҳамда хавфсизлик режимини қатъий сақлаш. «Internet-banking/Mobile-banking» орқали ҳисоб-китоблар амалга оширилганда маълумотларни ҳимоя қилиш талабларига риоя этиш.

4.2.19. Олинган «Internet-banking/Mobile-banking» дастурий таъминотини учинчи шахсларга фойдаланиш учун бериш, нусха олиш (захирадан ташқари) ёки ўзгартириш тақиқланади.

4.2.20. «Internet-banking/Mobile-banking» тизимига кириш ҳуқуқига эга бўлган шахслардан бошқа шахсларга фойдаланиш имконини бермаслик. Бундай шахслар фақат Мижознинг тегишли буйруғи билан лавозим мажбуриятларига кўра рухсат этилган ва Аризада кўрсатилган бўлиши лозим.

4.2.21. «Internet-banking/Mobile-banking» тизимига кириш ҳуқуқига эга бўлган масъул шахслар орқали ушбу Шартнома шартларига риоя этилишини тўлиқ таъминлаш.

4.2.22. Банкка кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлашни ўз вақтида амалга ошириш, Банк тарифларида белгиланган тартиб ва миқдорда комиссия ҳақини тўлаш.

4.2.23. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги № 660-ІІ «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Банк сўровига биноан амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1. Мижоз томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Марказий банк норматив ҳужжатлари талабларининг бузилиши, шунингдек ҳисоб-китоб ҳужжатларининг нотўғри расмийлаштирилганлиги ва уларнинг ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ҳолларида, ҳисоб-китоб ва касса операцияларини тугатиш чораларини кўриш, яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ операцияларни тўхтатиб қўйиш ва қонунга зид бўлган операцияларни бажаришдан бош тортиш;

5.1.2. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Мижоз ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ёки уларни амалга оширишни рад этиш;

мижоз ёки унинг операцияси санкция таъсир доирасига тушганда ёки тушиш хавфи мавжуд бўлганда, операцияни ўрганиш мақсадида қўшимча маълумотларни сўраш, операция миқдорини чегаралаш, операцияни чеклаш (рад этиш) ёки амалга ошираётган операциялар мижознинг анкетасидаги профилига номувофиқ бўлган ҳолларда хизмат кўрсатишни рад этиш ва мижоз билан шартномаларни бир томонлама бекор қилиш;

мижознинг экспорт (реэкспорт) шартномаларида санкция ва тақиқ жорий қилинган товарлар олди-сотдиси ёки санкцияларни айланиб ўтишга доир шубҳа мавжуд бўлганда банк шубҳали экспорт (реэкспорт) шартномалари бўйича келиб тушган маблағлар санкция ва тақиқлардан ҳоли эканлиги аниқлангунга қадар уларни транзит ҳисобварақларда сақлаш;

5.1.3. Ҳисобварақларга талабномалар ва унинг эгаси ҳисобварақдаги пул миқдори чегарасида ушбу маблағларни эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тақдим этилганда уларнинг мавжудлигини кафолатлаган ҳолда Мижознинг ҳисобварағидаги маблағлардан фойдаланиш;

5.1.4. Қонунчиликда белгиланган тартибларга мувофиқ, Мижоз ҳисобварағидан бюджет даромадига, бюджетдан ташқари жамғармаларга ўтказилиши лозим бўлган тўловларни шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда, Мижознинг розилигисиз (акцептсиз) унинг ҳисобварағидан маблағларни ўтказиш;

5.1.5. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Мижозни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриш имконияти бўлмаган тақдирда, ҳисобварақ очишни рад этиш;

5.1.6. Банк операцияларини амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига шубҳа туғилганда, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, уларни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларга хабар бериб, операцияларни амалга оширишни тўхтатиш;

5.1.7. Мижознинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида 2-сонли Картотека мавжуд бўлган тақдирда, унинг иккиламчи ҳисобварақлардан (Ҳукумат қарорлари асосида очилган мақсадли, аккредитив жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақлари бундан мустасно) маблағларни асосий депозит ҳисобвараққа ўтказиш ва 2-сонли Картотека йўқлиги тўғрисидаги маълумот олингунга қадар иккиламчи ҳисобварақлардаги операцияларни тўхтатиб қўйиш, пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилмаслик ва бошқа тўловларни амалга оширмаслик, Мижознинг асосий ҳисобварағига тўловлар бундан мустасно;

5.1.8. Банк иш куни яқунланиб, баланс ҳисоботи тузилгандан сўнг, хато ёзувлар аниқланган ҳолларда, ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисобварақларга кейинги банк иш куни тескари бухгалтерия ёзувлари киритиш йўли билан ҳисобварақлардан тегишли суммаларни Мижознинг розилигисиз ҳисобдан чиқариш;

5.1.9. Бюджетга маблағларни ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш мақсадида, Мижоз-қарздорнинг маблағлари етарли бўлмаганда ва валюта ҳисобварағида валюта маблағлари мавжуд бўлса, Банк солиқ органлари тақдим этган тақдимномага биноан Мижоз валюта маблағларини Ўзбекистон Республика валюта биржасида шу кунда белгиланган курс бўйича Мижознинг бюджет олдидаги қарз ҳажмини қоплаш учун етарли миқдорда сўзсиз равишда сотилишини амалга ошириш;

5.1.10. Мижозларнинг ташқи савдо контрактларини мониторинг қилиш бўйича тадбирларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда амалга ошириш;

5.1.11. Банк Мижознинг барча ҳисобварақларидан акцептсиз равишда банк хизматлари учун комиссия тўловларини қоплаш мақсадида пул маблағларини ечиб олиш;

5.1.12. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 780, 783-моддаларига мувофиқ, Мижознинг топшириғисиз ва розилигисиз, Мижоз ва Банк ўртасида тузилган ушбу Шартнома ёки бошқа (кредит, лизинг, аккредитивлар, кафиллик, гаров, факторинг,

кафолат ва кафиллик бериш ва б.) шартномалар бўйича, шунингдек суд қарори билан ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда юзага келадиган Мижознинг Банк олдидаги қарзлари бўйича барча ҳисобварақлардаги пул маблағларни ҳисобдан чиқариш;

5.1.13. Мижоз томонидан ушбу Шартнома доирасида кўрсатилаётган хизматлар шартлари бузилган тақдирда, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан кириш воситаларидан ноқонуний фойдаланиш ҳақида маълумот олинганда, ёки Мижоз томонидан кириш воситалари ҳақиқий эмас деб эълон қилинганлиги ҳақида ёзма ёки оғзаки хабар берилганда, шунингдек «Internet-banking/Mobile-banking» тизимига кетма-кет уч марта нотўғри пароль билан кириш уринишлари бўлган тақдирда, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги №660-II-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ, Мижознинг «Internet-banking» тизимига киришини блокировка қилиш.

5.1.14. Мижоз томонидан ушбу Шартнома шартлари бузилган ёки «Internet-banking/Mobile-banking» хизматларидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ёки оммавий қирғин қуролиларини тарқатишни молиялаштириш мақсадида фойдаланиш бўйича асосли шубҳалар мавжуд бўлган ҳолларда, Банк бир томонлама тартибда Мижознинг «Internet-banking/Mobile-banking» тизимига киришини бекор қилиш орқали ушбу Шартномани рад этиш ҳуқуқига эга.

5.1.15. Мижознинг ҳисоб рақамини очиш учун берган Аризасида ёки фойдаланувчини улаш/ўзгартириш ҳақидаги Аризасида кўрсатилган электрон почта манзилига ёки телефон рақамларидан бирига ахборот характеридаги хабарлар ва сўровномаларни юбориш.

5.1.16. Мижознинг ҳисоб рақамини очиш тўғрисидаги Аризани имзолаган шахс ўзгарган ҳолларда, янги имзо ҳуқуқига эга шахсни рўйхатдан ўтказиш учун янги Ариза тақдим этилгунига қадар Мижознинг «Internet-banking/Mobile-banking» тизимига киришини чеклаш. Бу ҳолатда банк ҳужжатларидаги имзо намунаси карточкаси ёки I-Key/ePass/E-IMZO орқали биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқига эга шахс ҳисобга олинади.

5.2. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.2.1. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ҳисобварағидаги пул маблағларидан эркин фойдаланиш;

5.2.2. Банкка ҳисоб-китоб ва касса хизматлари бўйича топшириқлар бериш, инкассо бўйича буюртмалар бериш, топшириқларни ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш;

5.2.3. Талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ нақд пул маблағларини олиш;

5.2.4. Мижоз топшириғига мувофиқ унинг Банкдаги ҳисобварағидан юборилган ва тегишли манзилга бориб тушмаган маблағларни излаш, аниқлаш ва қайтаришда ёрдам бериш учун Банкка мурожаат қилиш;

5.2.5. Тўлов амалга оширилган куннинг кейинги банк иш кунида ҳисобварақ бўйича кўчирмалар олиш;

5.2.6. Ўтирозлар мавжуд бўлса Банк раҳбариятига уларни ёзма равишда тақдим этиш;

5.2.7. Ўтказиб берилган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар суммаларини Мижоз ходимларининг Карта ҳисобварақларига ўз вақтида ўтказишни талаб қилиш;

5.2.8. Ваколатли ходимни корпоратив Карта орқали операцияларни амалга ошириш учун (Картани қабул қилиш, Карта ҳисобварағига пул маблағларини тушириш (қирим қилиш), Картанинг йўқолиши ёки шикастланиши тўғрисида Банкни хабардор қилиш ва ҳоказо) тегишли буйруқ билан тайинлаш. Бунда, Мижоз ушбу буйруқнинг нусхасини Банкка топшириш;

5.2.9. Мижоз, ушбу Шартномани имзолангунга қадар, танишиб чиқиш учун унинг

бир нусхасини олиш.

6. МАХФИЙЛИК

6.1. Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини ташкил этидиган Мижоз тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Банк банк сирини ташкил этидиган Мижоз тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини кафолатлайди.

6.2. Банк сирини ташкил этидиган Мижоз тўғрисидаги маълумотлар фақат Мижознинг ёзма аризасига биноан, Мижознинг ўзига ёки унинг ишончли вакилига берилиши мумкин.

6.3. Мижознинг Банк сирини ташкил этидиган маълумотларини учинчи шахсларга тақдим қилиш фақатгина қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда амалга оширилиши мумкин.

7. БАНК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИНГ МИҚДОРИ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб, Мижоз Банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўланадиган ҳақ миқдори 1-иловада келтирилган тарифлар асосида ундирилади.

7.2. Банк томонидан Мижозга кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 780, 783-моддаларига биноан, унинг топшириғисиз тегишли суммаларни Мижознинг ҳисобварағидан ечиб олиш йўли билан амалга оширилади.

Ушбу Шартнома бекор қилинганда, ҳар ойлик тўлов кўринишида белгиланган тўловлар бўйича, комиссия нотўлиқ ой учун тўлиқ ой учун белгиланган Тариф миқдорида ундирилади.

7.3. Белгиланган Банк тарифлари ўзгарган тақдирда, Банк Мижозни бу ҳақида Банкнинг веб-сайтида, Банк биносидаги ахборот стендларида тегишли ахборот эълонларини жойлаштириш йўли билан, шунингдек ушбу шартномада Мижоз томонидан кўрсатилган алоқа каналлари орқали юборилган, ёки Банк ҳужжатларини олиш учун Мижоз томонидан тайинланган ваколатли шахсга топширилган ёзма хабарнома кўринишида бундай ўзгаришлар киргунга қадар камида 10 (ўн) календар кунидан аввал хабардор қилиши шарт.

7.4. Ҳисобварақда маблағлар бўлмаганда ёки маблағ етарли бўлмаганда, кўрсатилган хизматлар учун тўланмаган сумма бўйича тўлов топшириқномаси, акцептсиз тўлов талабномалари, мемориал ордер ва/ёки инкассо топшириқномалари Банк томонидан Мижознинг 2-сонли Картотекасига жойлаштирилади ва қонунчиликда белгиланган тартибда ижро этилиши лозим.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу томон бошқа томонга етказилган зарарни тўлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, шунингдек бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Шартномада назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

8.2. Банкнинг жавобгарлиги:

8.2.1. Банк Мижознинг ҳисобварағи бўйича операцияларнинг ўз вақтида ва тўғри амалга оширилишига жавобгардир;

8.2.2. Банк Мижознинг банк сирини ташкил қиладиган Мижоз тўғрисидаги маълумотларни асоссиз ва ноқонуний тарзда ошкора қилганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

8.2.3. Электрон тўловларни амалга оширишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлари Банк томонидан бузилган тақдирда, у Мижозга кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 0,01 фоизи миқдорида, лекин кечиктирилган

электрон тўлов суммасининг 0,5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлаши шарт.

8.2.4. Банкнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт. Акс ҳолда, Мижоз Банкдан маблағларни қайтаришни, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,01 фоизи миқдорида, лекин нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.2.5. Банк Мижознинг кредиторлар (учинчи шахслар) олдидаги шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун кредиторларга тўлаши лозим бўлган неустойка ҳисобланиши ва ундирилиши учун жавобгар ҳисобланмайди.

8.3. Мижознинг жавобгарлиги:

8.3.1. Мижознинг ҳисобварағига маблағлар хато (нотўғри) ўтказилган тақдирда, агар у томонидан ҳисобдан кўчирма олгандан сўнг 2 (икки) иш куни ичида Банкка уни қайтариш тўғрисида тўлов топшириқномаси тақдим этилмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун хато ўтказилган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ хато ўтказилган умумий суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда Банкка пеня тўлайди.

8.3.2. Мазкур Шартнома бўйича хизматлар учун тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Мижоз Банкка ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

8.3.3. Мижоз банк ҳисобварағи бўйича ўтказилган операцияларнинг қонунийлиги, Банкка тақдим қилинган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгардир.

8.3.4. Мижоз МХКТ каналларидан фойдаланиб электрон ва қоғоз кўринишларда юборилган тўлов топшириқномасининг тўғри расмийлаштирилганлиги, сақланиши ва мувофиқлиги учун жавобгар ҳисобланади.

МХКТ орқали белгиланган тартибда юборилган электрон тўлов топшириқномасининг қоғоз шаклидаги асл нусхаси Мижозда сақланади.

8.3.5. Мижоз Банк кассасидан олинган нақд пул маблағларини кассага ўз вақтида кириш қилиш, уларни белгиланган мақсадлар учун сарфланиши, шунингдек касса интизомига риоя қилинганлиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

9. БАНКНИ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ

9.1. Банк қуйидаги ҳолларда жавобгарликдан озод қилинади:

- а) Банк электрон тўловлар тизимида юзага келадиган узулишлар;
- б) Мижоз томонидан тақдим қилинган тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш вақтида йўл қўйилган хатолар сабабли тўловларнинг ушланиб қолиши;
- в) Қонунчиликка мувофиқ Мижознинг ҳисобварағи бўйича операциялар тўхтатилганда;
- г) Нақд пул маблағларини олиш учун зарур бўлган тўлов ҳужжатларини ўз вақтида тақдим этилмаганда ёки тақдим қилинган тўлов ҳужжатларида ноаниқликлар ва хатолар мавжуд бўлганда;
- д) Электр энергияси бўлмаган ҳолларда, шунингдек форс-мажор ҳолатларида;
- е) Халқаро тўлов-молиявий телекоммуникацион тизими ишидаги узулишларда;
- ж) процессинг марказининг дастурий таъминотидаги узулишларда;
- з) Мижознинг пул маблағларининг йўқолишига ёки уларни кечикишига олиб келиши мумкин бўлган учинчи шахсларнинг ҳаракатлари учун.

Шунингдек, банк ҳар қандай мамлакат (ОҲАС ва б.) ёки халқаро ташкилотнинг (ФАТФ ва БМТ киритилган, бироқ чегараланмаган ҳолда) юрисдикциясига мувофиқ солинган санкцияларга биноан, Мижознинг операцияларини бажаргани Банк томонидан

рад этилиши натижасида юзага келадиган, Мижознинг зиёнларини ва ёки қўлдан бой берилган фойдасини тўлаш бўйича жавобгарликдан озод этилади.

9.2. Мижоз электрон рақамли имзо (I-Key/ePass) калитини сақлаш, ундан фойдаланиш ва ҳимоя қилиш бўйича ўз масъулиятини ҳамда 2022 йил 12 октябрдаги № ЎРҚ-793-сон «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган нормалар ва қоидаларга риоя этишини тасдиқлайди. Электрон рақамли имзодан бегона шахслар томонидан фойдаланиш натижасида Мижоз кўрган ҳар қандай зарар учун тўлиқ жавобгарлик Мижоз зиммасига юкланади.

9.3. Агар электрон рақамли имзо (I-Key/ePass) калити Мижоз айби билан йўқотилса ёки бузилса, Мижоз Банк Тарифларида белгиланган миқдорда 22896-80 махсус ҳисобварағидан жарима тўлайди.

9.4. Мижоз «Internet-banking» орқали ҳисоб рақами / валютали депозит ҳисоб рақами бўйича амалга ошириладиган операцияларнинг қонунийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу Шартнома бўйича келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар ўртасидаги низолар музокаралар йўли билан келишилган ҳолда ҳал қилинади.

Музокаралар натижасида томонлар ўртасида икки томонлама келишувга эришишнинг имкони бўлмаганда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан Банкнинг хизмат кўрсатаётган филиали жойлашган жой бўйича тегишли судда кўриб чиқиши лозим.

10.2. Мижоз ва учинчи шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар бўйича даъволар ва низолар Банкнинг иштирокисиз қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

11. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ШАРТЛАР

11.1. Ушбу шартнома бўйича томонлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, афилланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари ҳаракатларга таъсир қилиши ёки ушбу шахсларнинг ҳар қандай номақбул имтиёзлар ёки бошқа имтиёзларни олиш учун тўловларни тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар, тўғридан-тўғри ёки билвосита бирон бир пул маблағлари ёки қийматларни тўлашга йўл қўймайдилар.

11.2. Ушбу шартнома бўйича томонлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, афилланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари амалда қонунчиликда пора бериш-олиш, шунингдек, амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ талабларини бузadиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ҳаракатлар қилмайди.

11.3. Ушбу шартнома тарафларнинг ҳар бири бошқа томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришни рад этади, жумладан пул маблағлари, совғалар, бепул ишларни (хизматларни) бажариш ва бошқалар таққиланади. Шу билан бирга, ходимни маълум бир қарамликка олиб келиши ва бунинг бажарилишини таъминлаш, ходим рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши таъқиқланади.

11.4. Агар бирон-бир томон коррупцияга қарши кураш шартларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб билса, тегишли томон бошқа томонни ёзма ёки оғзаки, шу жумладан, ишонч телефони орқали хабардор қилиш мажбуриятини олади.

11.5. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

11.6. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

12. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

12.1. Мижоз Банкдаги ҳисобварақда турган ўз пул маблағларидан мустақил равишда фойдаланади. Банк Мижознинг пул маблағларидан қай тарзда фойдаланишни белгилашга ва назорат қилишга ҳамда унинг пул маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқларига қонунда ва мазкур Шартномада назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас

12.2. Мижоз ҳисобварағи бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби томонлар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

12.3. Банк қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Мижозни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриш имконияти бўлмаган тақдирда, Банк Мижозга ҳисобварақ очишни рад этишга ҳақли.

12.4. Мижознинг ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғига, шунингдек, мижознинг ҳисобварағи ёпилган ва қолдиқ маблағларни 29842-ҳисобварағига - (ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари) ўтказилганда, кўрсатилган қолдиқлар суммасига фоизлар ҳисобланмайди.

12.5. Томонлар тижорат сирларининг махфийлигини ҳимоя қилиш чораларини кўришлари шарт.

12.6. Асосий ҳисобварақ бўйича операциялар фақат ҳисобварақ эгасининг фармойишига кўра ёки ҳисобварақдаги пул маблағлари терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи қарори бўйича ёхуд суд ажримига кўра хатланганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолда, пул маблағлари фақат қарор ёки ажримда кўрсатилган суммага хатланади.

13. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

13.1. Ушбу шартнома тузилганидан кейин юзага келиши мумкин бўлган сув тошқини, ёнғинлар, зилзилалар ва табиий офатнинг бошқа кўринишлари, ҳамда уруш, эпидемия, эпизоотия, шунингдек бошқа шунга ўхшаш олдини олиш имконияти бўлмаган форс-мажор ҳолатларида, ёки қонун ҳужжатлари бекор қилиниши ёки амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар муносабати билан, ушбу Шартнома бўйича ҳар қандай мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаган ҳолларда Шартнома томонларидан ҳеч бири жавобгар бўлмайдилар.

14. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

14.1. Ушбу Шартнома акцепт қилинган кундан эътиборан кучга кирган ҳисобланади ва номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади. Шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафни бу ҳақда огоҳлантирган ҳолда ёки тарафларнинг келишувига биноан бекор қилиниши мумкин. Шартномани бекор қилиш юзасидан тарафлар келишувга эришмаган тақдирда, шартнома суд тартибида бекор қилиниши мумкин. Мижоз «Internet-banking/Mobile-banking» ва/ёки Илова хизматларидан фойдаланишдан воз кечган тақдирда, Шартнома тарафлар ўртасидаги масофавий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган муносабатлар қисмида ўз кучини сақлаб қолади.

14.2. Ушбу Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар ушбу Шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, томонларнинг келишувига мувофиқ фақат ёзма равишда қўшимча келишувни имзолаш йўли билан амалга оширилади, банк тарифлари ўзгариши ҳолатлари бундан мустасно.

14.3. Мазкур Шартнома Мижознинг аризасига кўра ҳоҳлаган вақтда Мижоз томонидан Банк олдидаги хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча тўловлар тўла амалга оширилгандан сўнг, Банкни хабардор қилган ҳолда, ўрнатилган тартибда бекор қилиниши мумкин.

14.4. Банкнинг талабига биноан ушбу Шартнома қуйидаги ҳолларда суд қарори билан бекор қилиниши мумкин:

а) Мижоз ҳисобварақда сақланаётган пул маблағлари суммаси Банк Тарифларида назарда тутилган сумманинг энг кам миқдоридан оз бўлса, агар бундай сумма Банк томонидан бу ҳақда Мижозни огоҳлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса;

б) бир йил давомида Мижознинг барча ҳисобварақларида операциялар амалга оширилмаган бўлса.

14.5. Шартнома бекор қилингандан сўнг, Мижознинг ҳисобварағидаги пул маблағлари қолдиғи унинг тегишли ёзма аризаси асосида 7 (етти) кундан кечиктирмай Мижозга берилади ёки унинг кўрсатмаси бўйича бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

Банк ҳисобварағи шартномасининг бекор қилиниши Мижознинг ҳисобварағини ёпиш учун асос ҳисобланади. Агар Шартнома бекор қилинган кундан бошлаб 7 (етти) кун ичида Мижоз бошқа ҳисобвараққа пул ўтказиш тўғрисида ёзма кўрсатма бермаса, Банк Мижознинг ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғини 29842 ("Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари") ҳисобварағига ўтказди.

14.6. Мижознинг асосий ҳисобварағи унга тегишли бўлган бошқа ҳисобварақлар ёпилгандан кейингина ёпилади.

14.7. Тўққиз ой мобайнида Мижознинг молия-хўжалик фаолияти бўйича банк ҳисобварақларига пул маблағлари тушмаган ҳолларда Банк уч иш куни ичида у ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига (тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали) маълумот тақдим этади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан Мижозни ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилган тақдирда, Банк "Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисида"ги Низомда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли Қарорининг 2-сонли Иловаси) кўрсатилган талабларга асосан ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилган Мижознинг ҳисобварақларини бир иш кунида ёпиб, пул маблағларини ҳаракатсиз депозит ҳисобварақларига ўтказди. Ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилган Мижозга келиб тушган маблағлар уларнинг ҳаракатсиз депозит ҳисобварақларига кириш қилинади. Ушбу Мижознинг ҳисобварақларига қўйилган талаблар ҳаракатсиз депозит ҳисобварақларидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 56-моддасида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан Мижозни (тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар) ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилган тақдирда, давлат реестридан чиқарилган кундан ёки ҳисобварақ ёпилган пайтдан эътиборан ушбу Шартнома бекор қилинади.

14.8. Суднинг ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги тегишли қарори тақдим этилганда, Банк кейинги иш кунидан кечиктирмай Мижознинг ҳисобварақларини ёпади. Бунда, Мижознинг ёпиладиган ҳисобварақларидаги маблағлари қолдиқлари Банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга ўтказилади. Мижознинг Банкка тўлаш учун тақдим этилган кредиторлик қарзи эса алоҳида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилади.

14.9. Мижознинг ёпиладиган ҳисобварақлардаги маблағлари Банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқисиз 29842 - "Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари" ҳисобварағига кириш қилинади.

14.10. Ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари - юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини ёпиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади.

14.11. Ушбу Шартноманинг амал қилиши бекор қилинган тақдирда, Томонлар 3 (уч) иш куни ичида барча ҳисоб-китобларни тўлиқ амалга оширишлари ва қуйидаги шартларни

бажаришлари керак:

- Банк иш ҳақи лойиҳаси учун очилган Карта ҳисобварақларини ёпади, пул маблағлари қолдиғини Карта Сақловчига беради (агар Банкнинг Тарифларида белгиланган бўлса, Карта ҳисобварағига фоизлар ҳисобланган ҳолда) ёки унинг ёзма аризасига кўра бошқа ҳисобварағига ўтказиш;
- Мижоз кўрсатилган хизматлар учун Банкнинг Тарифига мувофиқ ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиш;
- Мижоз Банкка корпоратив пластик карталарни ёпиш тўғрисида ёзма ариза тақдим этиш мажбуриятини олади ва Банк эса ушбу Шартнома бўйича барча тегишли тўловларни амалга оширгандан сўнг Мижоз томонидан тақдим қилинган тўлов талабномасида кўрсатилган пул маблағларини Мижознинг талаб қилиб олингунга қадар асосий депозит ҳисобварағига ўтказиб беради, ушбу ҳисобварақ реквизитлари тўлов талабномасида кўрсатилган бўлиши лозим.

15. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

15.1. Томонларнинг ўртасидаги ушбу Шартномада кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ушбу Шартномага барча иловалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Мазкур шартномага ва Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” қонунига асосан мазкур шартномада қайд этиб ўтилган амалиётлар бажарилиши мақсадида, мижоз ўзи ҳақида шахсий маълумотларни сақлаш, йиғиш, ўзгартириш, ишлатиш, ва мазкур офертада айтиб ўтилган амалиётларни бажариш учун учинчи шахсларга маълумотларни тақдим қилиш ҳуқуқини Банкка беради.

15.2. Ушбу Шартномани бажариш юзасидан Банк ва Мижоз ўртасида низолар юзага келган тақдирда, томонлар уларни ўзаро музокаралар орқали ҳал қилиш учун барча чораларни кўрадилар. Агар музокаралар жараёнида томонлар ўзаро келишувга эриша олмасалар, келишмовчиликлар қонунда белгиланган тартибда Банкнинг жойлашган жойи бўйича иқтисодий ишлар бўйича суди томонидан кўриб чиқилади.

15.3. Мижознинг бошқа (учинчи) шахслар билан ҳисоб-китоблари бўйича ўзаро даъволари улар томонидан Банк иштирокисиз кўриб чиқилади.

20_____ йил “_____” _____ даги
Банк ҳисобварағи ва комплекс банк
хизматлари кўрсатиш бўйича _____ - сонли
Шартномасига
1-илова

Ариза

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун банк ҳисобварағи очиш ва масофавий хизмат кўрсатиш бўйича оммавий оферта шартларини қабул қилиш (акцепт қилиш) ҳақида

_____ (кейинчалик — Мижоз)
сўраймиз:

1. Қуйидаги ҳисобварақларни оммавий офертада белгиланган шарт ва тартибда очишингизни:

☐ Миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи

☐ Чет эл валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи

☐ Ҳодимлар маоши ва шунга тенг тўловларни пластик карталарга ўтказиш учун транзит ҳисобварағи

☐ Корпоратив пластик карталарга маблағ тушириш учун транзит ҳисобварағи

☐ Товарлар бўйича пластик карталар орқали тушган тушумни ҳисобга олиш учун транзит ҳисобварағи (сони _____)

☐ Хизматлар бўйича пластик карталар орқали тушган тушумни ҳисобга олиш учун транзит ҳисобварағи (сони _____)

☐ «Internet-banking» тизимига уланишингизни;

☐ «Mobile-banking» тизимига уланишингизни;

☐ Банк терминалидан фойдаланиш

2. Қуйидаги тариф режасига уланишингизни:

☐ STANDART ☐ BISNES ☐ VIP ☐ EXCLUSIVE ☐ START

☐ Бошқа тариф

☐ Мижоз танланган тариф режаси билан танишганлигини тасдиқлайди ва хизмат ҳақини мижознинг банкда очилган жорий ҳисобварағидан банк томонидан олдиндан қабул қилинган тартибда ҳисобдан чиқаришга рози бўлади.

☐ Мижоз «Internet-banking»/«Mobile-banking» тизими орқали бошқа банк хизматлари/махсулотларидан фойдаланиш ёки уларга уланиш бўйича Аризалар юборишга розилик билдиради.

Ташкилот раҳбари:

Е-ИМЗО ёки ЭРИ ёрдамида имзоланган

Тўлдирилган сана _____

Ариза “Гарант банк” АЖ «Internet-banking»/«Mobile-banking» тизими орқали электрон тарзда қабул қилинди ва қайта ишланди.

“_____” _____ 20____ йилдаги
Банк ҳисобварағи ва комплекс банк
хизматлари кўрсатиши бўйича _____ - сонли
Шартномасига
2-илова

**Мижозлар топшириқларининг бажарилганлиги
учун комиссия мукофотлар
ТАРИФЛАРИ**

* Имзолаш пайтида тасдиқланган ва амалда бўлган

**Масофадан хизмат кўрсатиш тизимидан (МХКТ) фойдаланган ҳолда банк
ҳисобварағига хизмат кўрсатиш ва I-Key электрон калитдан фойдаланиш
Шартлари**

Банк қуйидагиларни таъминлайди:

- мижозни аутентификациялаш;
- электрон тўлов ҳужжатларини ишга тушириш;
- электрон тўлов ҳужжатларини шифрлаш ва банк ахборот тизимларида ишлов бериш учун уларни алоқа каналлари орқали узатиш;
- ахборот хабарларини қабул қилиш-узатиш;
- ҳисобот шакллари (шахсий ҳисобварақларни, электрон тўлов ҳужжатларини, ишга туширилган ҳужжатларнинг рўйхатини) кўриб чиқиш ва босиб чиқариш.

МХКТ бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширганда, Мижоз ўз ҳисобварағидан маблағларни фақат электрон тўлов ҳужжатлари шаклида ўтказди.

Банк ва Мижоз МХКТда фойдаланиладиган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва электрон-рақамли имзони бериш услубини тан оладилар.

Мижоз алоқа каналлари бўйича келиб тушган электрон-пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига беришни Банкка ишонади. Қоғоз ташувчидаги пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида яратилган ва МХКТ орқали олинган, электрон-рақамли имзо билан тасдиқланган электрон тўлов топшириқномаси, пул-ҳисоб-китоб ҳужжатида асл нусхасига тенглашади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

Банк ёки Мижозда электрон ҳужжатлар билан алмашишга тўсиқлик қилувчи бирор ҳолат юзага келган тақдирда, Мижоз томонидан қоғоз ташувчидаги тегишли ҳужжатларни тақдим қилиш ушбу Шартномада кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

Масофавий хизмат кўрсатиш тизимидан (МХКТ) фойдаланган ҳолларда, Мижоз қуйидаги мажбуриятларга эга бўлади:

Янги операцион кунда иш бошлашдан олдин, аввалги операцион кун учун ўз шахсий ҳисобварағидаги айланма ва қолдиқларни текшириш, айланма ва қолдиқлар тўғрисидаги маълумотлар мос келган ҳолда электрон тўлов ҳужжатларини киритишни бошлаш, акс ҳолда тафовутлар сабабларини аниқлаш зарур. Мижоз ва Банк ўртасида маълумот сўровлари ва хабарлари алмашинуви, шахсий депозит ҳисобварағидаги айланма ва қолдиқларни текшириш натижаларидан қатъий назар амалга ошириш.

Ахборотнинг хавфсизлиги ва уни техник ҳимоялаш бўйича барча қоидаларга риоя қилиш. МХКТ билан ишлашнинг ички режимини шундай тартибга солиш керак-ки, бунда у билан ишлашга рухсатга эга бўлмаган бошқа шахслар томонидан МХКТдан, шунингдек молиявий ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш имкониятини истисно қилиш.

Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг биринчи нусхалари асосида маълумотларни МХКТга киритишни амалга ошириш. Электрон пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари реквизитларининг мазмуни учун жавобгарлик ушбу электрон ҳужжатни имзолаган электрон рақамли имзо эгасига юклатилади.

Шахсий ҳисобварақлар бўйича кўчирмалар қабул қилинганда, электрон тўлов ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган ва қирим қилинган суммаларнинг мувофиқлигини текшириш.

Электрон рақамли имзонинг асосий элементларини белгиланмаган мақсадларда

фойдаланилишидан ҳимоя қилиниши ва сақланишини ва Банкка юбориладиган хабарларни ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Электрон рақамли имзолардан фақат Мижознинг фармойишига биноан, фақат бунга ваколатли шахслар томонидан фойдаланилишини таъминлаш.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калити йўқолганда ва бошқа рухсатсиз кириш хавфи юзага келган ҳолларда, бу ҳақида дарҳол Банкка хабар бериш. Бундай ҳолда, МХКТ ишлашининг тикланиши фақат электрон рақамли имзо ёпиқ калити ва Мижоз пароллари алмаштирилгандан кейин амалга киради.

Мижоз ҳисобварағига кириш қилинган тўлов талабномалари тўғрисида маълумот олиш мақсадида ҳар куни 1-сонли Картотека ҳолати тўғрисида ҳисоботни шакллантириш.. Ушбу ҳисоботдаги маълумотлар Банк билдиришномасига тенглаштирилади. Агар ҳужжат 1-сонли Картотекага жойлаштирилган кундан бошлаб уч иш кунидан кейин Мижоз акцептдан ёзма равишда рад қилмаса, талаб акцептланган ҳисобланади ва умумий тартибда тўланиши лозим.

МХКТга ҳужжатларни киритиш тугатилгандан сўнг, Мижоз (бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи масъул ходим) ҳужжатнинг асл нусхасини унинг электрон нусхаси билан таққослаб текшириши ва электрон ҳужжатни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаши керак.

МХКТ орқали Банкдан қабул қилинган ахборотни Мижоз фақатгина кўриш ва чоп этиш имкониятига эга бўлади.

МХКТдан фойдаланишни, паролларни ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитини учинчи шахсларга тақдим қилинганлиги оқибатида юзага келган зарар учун, электрон пул-ҳисоб-китоб (тўлов) ҳужжатларининг нотўғри расмийлаштирилгани учун Банк жавобгарликни олиб бормайди.

Банк Мижоз томонидан учинчи шахсларга МХКТга электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити ва парол берганлиги натижасида юзага келидаган зарар, электрон пул-ҳисоб-китоблар (тўлов) ҳужжатларининг нотўғри расмийлаштирилганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди.

Масофавий хизмат кўрсатиш тизимида (МХКТ) мавжуд маълумотларни ҳимоя қилиш учун Банк қуйидаги мулкдан вақтинча бепул фойдаланишга бериш, Мижоз эса уни қабул қилиб олиш ва ўз вақтида қайтариб бериш мажбуриятини олади:

Мулк номи	Миқдори (дона)	Инв. №	Суммаси (сўм)
I-key (ePass) электрон калити	1		

Банкдан I-key (ePass) электрон калитни Банкдан Мижозга Қабул қилиш-бериш, ушбу Шартнома 10-иловасининг 1-Жадвалига мувофиқ шаклдаги Қабул қилиш ва топшириш далолатномасини расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Бунда, Банк I-key (ePass) электрон калитни имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчага мувофиқ банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган Мижоз раҳбарига тўғридан-тўғри топширади, ва калитни қабул қилиш раҳбарнинг имзоси ва муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади.

Мулк, ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати давомида мижознинг масофадан хизмат кўрсатиш тизимида (МХКТ) тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш хоҳиши бўлганда ва ушбу хизматлар учун ўз вақтида тўлов амалга оширилганда берилади. Ушбу Шартнома бекор қилинган/ёки МХКТдан фойдаланиш рад этилган тақдирда, Мижоз Шартнома бекор қилинган куни ёки МХКТ хизматларидан воз кечган куни мулкни қай ҳолатда қабул қилган бўлса, шу ҳолатда Банкка топшириши шарт. Мижоз унинг раҳбари шахсида Шартномани бекор қилиш тўғрисида ариза берган/ МХКТдан фойдаланиш рад

этилган куни I-key (ePass) электрон калитни Банкка қайтариши ва ушбу Шартнома 10-иловасининг 2-Жадвалига мувофиқ, Қабул қилиш ва топшириш далолатномасини расмийлаштириши лозим.

Масофадан кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов Банк тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Тўлов топширикномаларини қабул қилиш хизматини масофадан туриб амалга оширганлик учун тўловларни ҳисобдан чиқариш Мижознинг ҳисобварағидан пул маблағларни акцептсиз тартибда ҳар ойда жорий ойнинг 25-санасига қадар, Мижоз ҳисобварағининг активлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддаси асосида акцептсиз тартибда амалга оширилади, бунга Мижоз чақириб олмайдиган (безотзывное) ва рад қилиб бўлмайдиган ҳуқуқини тақдим этади.

Мижознинг ҳисобварағида Банк томонидан кўрсатилган хизматлар учун қарзни қоплаш мақсадида маблағлар йўқ ёки етарли бўлмаган ҳолларда, тўланмаган қарзнинг қолган қисми белгиланган тартибда тўлов талабномасини юбориш орқали Мижознинг 2-сонли Картотекасига жойлаштирилади ва у ўрнатилган тартибда ижро этилади. Кўрсатиб ўтилган тўлов талабномаси ҳеч қандай қўшимча тасдиқловсиз Мижоз томонидан акцептланган ҳисобланади.

Мижоз унга берилган мол-мулкни иккиламчи ижарага (субаренда) тақдим этишга, ундан бепул фойдаланишга беришга, I-key (ePass) электрон калитни, шунингдек, ушбу шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсларга беришга, гаровга қўйишга ҳақли эмас.

Берилган мол-мулкни қайтариб олишда, Банк Мижознинг вакили иштирокида унинг тўлиқлигини текширади ва техник кўрикдан ўтказилади.

Берилган мол-мулк тўлиқ бўлмаган ёки носоз ҳолатда бўлса, икки томонлама Топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади. Мижоз мулкнинг носозликларини ўз ҳисобидан, Далолатнома тузилган кундан бошлаб уч кун ичида бартараф этиши мажбур. Агар бундай носозликларни бартараф этишнинг иложи бўлмаса, Мижоз бундай носозликлар аниқлангандан кейин уч кун ичида мол-мулк қийматини тўлиқ қоплаб бериш мажбуриятига эга бўлади.

Мижоз ўз ходимларининг хатти-ҳаракатлари учун Банк олдида жавобгар ҳисобланади.

Агар Мижознинг ёки унинг ходимларининг айбли хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида зарарлар юзага келиб чиқса, Мижоз Банкка етказилган зарарни қоплайди.

Банк исталган вақтда берилган мол-мулкни мониторингини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Зарарларни қоплаш Шартномани бузган томонни мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

Мол-мулк/ePass (I-key) электрон калити ўз вақтида қайтариб берилмаган тақдирда, шунингдек ушбу Бўлимда кўрсатилган мажбуриятлар бузилган тақдирда, Мижоз Банкка Банк тарифларида кўрсатилган миқдорда жарима тўлайди. Мижоз шу билан Банкка белгиланган жаримани Мижознинг ҳисобварағидан акцептсиз тартибда ушлаб қолиш ҳуқуқини беради.

Мол-мулкка тасодифан зарар етказиш хатари учун Мижоз жавобгар бўлади.

Агар Мижоз МХКТ хизматларидан фойдаланилганлик учун 2 ойдан ортиқ вақт давомида тўловларни тўламаган бўлса, Банк бундай ўчиришдан 10 (ўн) кун олдин Мижозни олдиндан огоҳлантирган ҳолда МХКТда хизматлар кўрсатишни ўчириб қўйиш ҳуқуқига эга. Мижоз Банкнинг МХКТдаги хизматлари учун юзага келган қарзни сўндирган тақдирда, Банк Мижозни МХКТга қайта улаш учун ариза берган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичида Мижозни МХКТга қайта улаш ҳуқуқига эга.

Банк ноқонуний операциялар амалга оширилганда ва киберҳужумларни уюштиришга уринган ҳолларда ҳам алоқани узиб қўйишга ҳақлидир.

Мижоз ePass (I-key) электрон калитини йўқотиб қўйган тақдирда, шу куннинг ўзидаёқ ePass (I-key) электрон калитининг йўқолганлиги, МХКТда хизмат кўрсатишнинг тўхтатилиши ва жаримани тўлаш тўғрисида ёзма ариза билан дарҳол Банкка мурожаат қилади. Бундай ҳолда, Банк Мижоз томонидан ePass (I-key) электрон калити йўқолганлиги тўғрисида далолатнома тузади ва Мижоз ушбу тасдиқланган тарифларга мувофиқ жарима тўлайди.

**“Гарант банк” АЖнинг корпоратив пластик карталарини фойдаланишга бериш ва
хизмат кўрсатиш
ШАРТЛАРИ**

1. ТУШУНЧАЛАР

1.1. **Корпоратив пластик карта (“Карта”)** - корпоратив банк картаси Сақловчига нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тўлов картаси бўлиб; Картадан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва “Гарант банк” АЖнинг корпоратив пластик карталарини фойдаланишга бериш ва хизмат кўрсатиш Шартлари ҳамда Банк ва Мижоз ўртасида тузилган ушбу шартнома билан тартибга солинади;

1.2. **Карта Сақловчи (“Сақловчи”)** - юридик шахс (Мижоз) ва эмитент банк ўртасида тузилган шартнома асосида корпоратив банк картасидан фойдаланувчи юридик шахс ёки у ваколат берган шахс. Бунда юридик шахс банк картаси Сақловчиси сифатида фақат у билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузган ушбу юридик шахс ходими бўлган шахсга банк картаси Сақловчиси сифатида ваколат бериши мумкин.

1.3. **Карта ҳисобварағи** - корпоратив пластик картаси воситасида ундаги пул маблағларини тасарруф этиш мумкин бўлган банк ҳисобварағи.

1.4. **Транзит ҳисобварағи** - Сақловчи томонидан Картадан фойдаланиб ўтказиладиган операцияларни ҳисобга олиш учун очилган Мижознинг Банкдаги ҳисобварағи.

1.5. **Карталар бўйича кўчирма** - Банк томонидан тузилган ҳужжат бўлиб, унда Карта эгаси Сақловчи томонидан Карта бўйича амалга оширилган барча операциялар акс эттирилади.

1.6. **Ҳаражатлар лимити** - Карта бўйича ҳаражатлар лимити бўлиб, Мижоз томонидан ўрнатилади ва Карта орқали бажариладиган операциялар ана шу чеклов доирасида ўтказилади.

1.7. **“UZCARD” ва/ёки “HUMO”** - Банклараро тўлов тизими. Тўловларнинг ҳудудий тақсимланган тизими бўлиб, унинг базавий элементи банк Карталари ҳисобланади. Тизим ҳуқуқий меъёрлар, меъёрий ҳужжатлар, дастурий-техник ечимлар ва тегишли ташкилий-техник инфратузилмалар мажмуига асосланган; ушбу тизим электрон шаклда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мўлжалланган ва банк Карталарини чиқарувчи банкларни ҳамда товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотувчиларга хизмат кўрсатувчи банкларни, ҳисоб-китоб қилувчи банкни ва “МУНИС” тўлов тизимни, шунингдек процессинг ташкилотини ягона тизимга бирлаштиради.

1.8. **ШИР - Шахсий идентификация рақами** - Карта Сақловчининг тўртта белгидан ортиқ бўлмаган Рақамли паролидир. ШИР шахсан ва махфий тарзда Сақловчи/ишончли шахс томонидан белгиланади/қайта белгиланади ва кейинчалик Сақловчи/ишончли шахс томонидан Картадан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган молиявий ва ахборот операциялар/транзакцияларнинг қонунийлигини тасдиқлаш учун фойдаланилади

1.9. **Мижоз** – “Гарант банк” АЖ билан банк ҳисобварағи тўғрисидаги шартномани тузилган юридик шахс (тадбиркорлик субъекти ва ҳоказо)

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Мижоз:

2.1.1. Мижоз (мижознинг ваколатли вакили) ушбу Шартларда назарда тутилган банк хизматларини кўрсатиши учун Банкка ариза билан мижозга хизмат кўрсатиш, улар билан келишиш ва мазкур Шартларда назарда тутилган хизматларни тақдим этиш шартлари ҳамда бошланиш санаси юзасидан ёзма равишда мурожаат қилади, шу жумладан Банкка Карталарни чиқариш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Карта чиқариб бериш сўралаётган ваколатли ходимларнинг Мижоз раҳбари, бош бухгалтери имзолари билан тасдиқланган ва муҳри босилган (агар муҳр мавжуд бўлса) рўйхати (ушбу Шартнома 10-иловасининг 3-Жадвалига мувофиқ);

- Рўйхатда кўрсатилган ҳар бир ваколатли ходимнинг паспорти (ҳужжатдан нусхаси олинади, асл нусхаси қайтарилади).

2.1.2. Банкка Мижоз тўғрисидаги, шу жумладан ушбу Шартлар ва Шартномани бажариш мақсадида Банк билан алоқада бўлувчи Мижознинг жавобгар, ваколатли шахслари тўғрисидаги маълумотларни ушбу Шартнома 10-иловасининг 4-Жадвалига мувофиқ тақдим этиш.

2.1.3. Картани чиқариш, хизмат кўрсатиш ва қайта чиқариш билан боғлиқ барча тўловларни Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ тўлаш.

2.1.4. Ушбу Шартларнинг 2.1.2-бандида кўрсатилган маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида Банкни 2 (икки) иш куни ичида 10-илованинг 4-Жадвалга мувофиқ шакл бўйича хабардор қилиш.

2.1.5. Тарифларда кўзда тутилган Картани бериш шартларига мувофиқ Мижознинг Транзит ҳисобварағига бирламчи маблағларни кирим қилиш.

2.1.6. Кўрсатилган хизматлар учун Банк Тарифларига мувофиқ воситачилик ҳақини Банкка ўтказиб бериш.

2.1.7. Карталар бўйича чиқим лимитларини тўлдириш учун тўлов топшириқномаси асосида транзит ҳисобварағига Мижознинг ўз маблағлари ҳисобидан, талаб қилиб олгунча асосий депозит ҳисобварағидан зарур миқдордаги пул маблағларини ўтказиш.

2.1.8. Карталар ёрдамида иш ҳақи, шунингдек ижтимоий тусга эга тўловларни амалга оширмаслик.

2.1.9. Банкда Карталарни қабул қилиш. Карталар Мижознинг масъул шахси томонидан ёки бевосита ваколатли ходим/Карта Сақловчи томонидан Мижоз берган ишончнома асосида олинади.

2.1.10. Карталарни Банкдан олган вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Картадан фойдаланиб ўтказилган барча операциялар учун жавобгар бўлиш.

2.1.11. Картанинг йўқолгани (ўғирлангани) ёки шикастлангани тўғрисида унинг амал қилишини Банкда ўрнатилган шакл бўйича тўхтатиб қўйиш учун Банкни зудлик билан (оғзаки) хабардор этиш, ва имкон қадар қисқа вақт ичида, лекин 3 (уч) банк кунидан ортиқ бўлмаган муддатда Банкка белгиланган шаклдаги ёзма ариза (жумладан факсимил хабарнома) тақдим этган ҳолда Картанинг йўқолгани ёки ўғирлангани ҳолатини ёзма равишда тасдиқлаш.

2.1.12. Картанинг амал қилиш муддати тугамасдан аввал қайтадан чиқариш зарурати вужудга келса, Банкка қайта чиқариш сабабини кўрсатган ҳолда Ариза ва Мижознинг хатини тақдим этиш, шунингдек Картани Банкка топшириш (мавжуд бўлса).

2.1.13. Ваколатли ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, ушбу ходимдан Картани олиб қўйиш ва меҳнат шартномаси бекор қилинган санадан кечиктирмасдан Картани ёки ушбу Шартларнинг 2.1.1. бандига мувофиқ тегишли ҳужжатларни Банкка топшириш.

2.1.14. Аввал йўқолган деб ариза берилган Карта топилган тақдирда, бу ҳақда зудлик билан Банкка хабар бериш ва Картанинг қайтарилишини 3 (уч) иш куни ичида таъминлаш.

2.1.15. Ҳар бир ваколатли ходимига/Сақловчига Картани ҳисобот таркибида сақлаш учун Мижознинг Бош бухгалтерига масъул сақланиши учун бериш мажбуриятини юклаш.

2.2. Банк қуйидаги мажбуриятларни олади:

2.2.1. Ушбу Шартларнинг 2.1.1. бандига мувофиқ тегишли ҳужжатлар Банк томонидан олиниши шarti билан Мижознинг Карта ҳисобварағи очилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида рўйхатда кўрсатилган ваколатли ходимлар учун Карталарни бериш,

2.2.2. Зарурат туғилганда, Мижознинг ваколатли ходимига Карта ҳисобварағидан кўчирма бериш.

2.2.3. Ушбу Шартларнинг 2.1.1, 2.1.2 ва 2.1.14-бандларида кўрсатилган, Мижоз томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ноаниқликлар ёки номувофиқликлар аниқланганлиги тўғрисида Мижозга 5 (беш) иш куни ичида хабардор қилиш.

2.2.4. Корпоратив пластик картага иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва дивидендларни ўтказилишига йўл қўймаслик. Шунингдек, корпоратив пластик картадан нақд пул маблағлари берилишига йўл қўймаслик.

2.2.5. Белгиланган Банк Тарифлари ўзгарган тақдирда Банкдаги ахборот стендида, Банкнинг asakabank.uz расмий сайтида, Банкнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида (Telegram, Facebook), Банк биносида ана шу ўзгаришлар кучга киришидан 10 (ўн) иш куни олдин эълонларни жойлаштириш.

1. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Карта Сақловчининг Картасини унинг амал қилиш муддати тугашидан олдин уни қайта чиқариш тўғрисида илтимос билан Банкка мурожаат қилиш.

3.1.2. Картанинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ёзма ариза билан Банкка мурожаат қилиш.

3.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Қуйидаги ҳолларда ушбу Шартларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва Карталарни блокировка қилиш ва/ёки Картанинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш.

3.2.2. Картадан ёки унинг реквизитларидан ноқонуний фойдаланилганини тасдиқловчи ҳолатлар содир бўлганда;

3.2.3. Картадан ваколат берилмаган шахслар томонидан фойдаланилганда;

3.2.4. Мижоз билан тузилган банк ҳисобварағи тўғрисидаги шартнома бекор қилинганда.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Ушбу Шартларнинг 2.1.1., 2.1.2. ва 2.1.14. бандларига асосан Мижоз томонидан тақдим қилинадиган ҳужжатларда ноаниқликлар келиб чиқса, Банк Картани чиқариш ва қайта чиқариш кечикканлиги ҳолатларида жавобгарликни олиб бормади.

4.2. Мижоз ва Сақловчилари ўртасидаги низолар ва келишмовчиликлар учун Банк жавобгар бўлмайди.

4.3. Томонлар ушбу Шартлар ва Банк ва Мижоз ўртасида тузилган ушбу Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари кўрсатиш шартномасига ва унга боғлиқ равишда олинадиган барча ахборотга нисбатан махфийлик режимини сақлаш мажбуриятини оладилар. Томонлар бу ахборотни учинчи тарафга манфаатдор Томоннинг ёзма розилигини олмасдан туриб ошкор этишга ҳақли эмаслар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бевосита кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

“ _____ ” _____ 20 _____ йилдаги
Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари
кўрсатиш бўйича _____ - сонли Шартномасига
5-илова

**Мижоз ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини
“Гарант банк” АЖнинг “UZCARD” ва/ёки “Нумо” пластик карталарига ўтказиш
(кирим қилиш) йўли билан бериш
ШАРТЛАРИ**

1. ТУШУНЧАЛАР

- 1.1. **Карта Сақловчи** Номига сўмдаги пластик карта очилган мијоз, ёки Мијоз томонидан ваколат берилган ва Мијоз билан Банк ўртасида тузилган тегишли шартнома асосида ушбу Картададан фойдаланувчи шахс. Бундан буён – “Карта Сақловчи”.
- 1.2. **Карта ҳисобварағи** Жисмоний ёки юридик шахснинг банк ҳисобварағи, ундаги пул маблағларини тасарруф этиш банк картасидан фойдаланган ҳолда, ҳамда банк картасидан фойдаланмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин. Процессинг марказида Карта ҳисобварағининг ҳолати тўғрисидаги жорий маълумотлар акс эттирилади.
- 1.3. **Пластик карта (Асосий ва Қўшимча Карта)** Банк томонидан эмиссия қилинган ва Карта Сақловчига Карта ҳисобварағи бўйича операцияларни бир неча марта ўтказиш, шу жумладан Карта ҳисобварағидан нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва нақд пул маблағларини олиш имкониятини беридаган “UZCARD” тўлов Картаси.
- 1.4. **Қўшимча Карта** Қўшимча Карта Сақловчининг алоҳида аризаси асосида Сақловчининг ўз номига, шунингдек Сақловчининг ишончли вакили ҳисобланган бошқа жисмоний шахс номига Карта Сақловчининг аризасига мувофиқ чиқарилиши мумкин.
- 1.5. **“UZCARD” ва/ёки “НУМО”** Банклараро тўлов тизими. Тўловларнинг ҳудудий тақсимланган тизими бўлиб, унинг базавий элементи банк Карталари ҳисобланади. Тизим ҳуқуқий нормалар, меъёрий ҳужжатлар, дастурий-техник ечимлар ва тегишли ташкилий-техник инфратузилмалар мажмуига асосланган; ушбу тизим электрон шаклдаги нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган ва банк Карталарини чиқарувчи банкларни ҳамда товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотувчиларга хизмат кўрсатадиган банкларни, ҳисоб-китоб қилувчи банкни ва “МУНИС” тўлов тизимини, шунингдек процессинг ташкилотни ягона банк тизимига бирлаштиради.
- 1.6. **Ягона умумреспублика** Процессингни, яъни тўлов ташкилотлари аъзолари ўртасида маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш ва

	процессинг маркази (ЯУПМ) тарқатишни, шунингдек тўлов ташкилоти аъзолари томонидан амалга ошириладиган эмиссиялар ва (ёки) эквайрингга техник жиҳатдан хизмат кўрсатишни амалга оширувчи ташкилот.
1.7. Хизмат кўрсатиш шахобчаси (ХШ)	Карталар Сақловчиларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган дастурий—техник комплекс. ХШ жумласига савдо-сервис корхоналари, нақд пул маблағлари беридаган шахобчалар (банкоматлар, ёхуд касса терминаллари), шунингдек операцион шахобчалар кирази.
1.8. Транзакция	Бу - Карта Сақловчи томонидан Карта ёрдамида амалга ошириладиган ҳар қандай операция: ➤ Савдо терминаллари орқали товарлар/хизматлар учун тўловларни ўтказиш; ➤ Банкоматлар ёки хизмат кўрсатиш Банки муассасалари орқали нақд пул маблағларини олиш.
1.9. Картанинг амал қилиш муддати	“UZCARD” ва/ёки “HUMO” томонидан Картага хизмат кўрсатиш учун қабул қилинадиган даврни англатади Амал қилиш муддати ўтгандан сўнг, Картага “UZCARD” ва/ёки “HUMO” томонидан хизмат кўрсатиш тўхтади.
1.10. Картани блоклаш	Карта Сақловчининг Картасини, Карта ёрдамида қуйидаги турдаги операцияларни бажара олмайдиган ҳолатига ўтказиш: • Нақд пул маблағлари бериш; • Нақд пулсиз операциялар; • смс-информерни улаш/узиб қўйиш
1.11. Карта Сақловчининг Карта ҳисобварағини блоклаш	Карта Сақловчининг Карта ҳисобварағини қуйидаги операция турларини бажара олмайдиган ҳолатига ўтказиш: • Нақд пул маблағлари бериш; • Нақд пулсиз операциялар.
1.12. Шартлар	Мижоз ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини “Гарант банк” АЖнинг “UZCARD” ва/ёки “HUMO” пластик карталарига ўтказиш (кирим қилиш) йўли билан бериш Шартлари
1.13 Шартнома	Банк ва Мижоз ўртасида тузилган ушбу Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари кўрсатиш шартномаси

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Банкнинг мажбуриятлари:

2.1. Мижознинг ҳар бир ходими билан “Гарант банк” АЖ нинг жисмоний шахслар учун “UZCARD” ва/ёки “HUMO” пластик карталарини фойдаланишга тақдим этиш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш;

- Мижоз томонидан тақдим этилган, Мижоз раҳбариятининг имзолари қўйилган ва

мухри (мухр мавжуд бўлса) билан тасдиқланган рўйхатлар асосида, шунингдек электрон тарзда шакллантирилган (электрон файллар Банк белгилаган шаклда тақдим этилиши керак) Мижоз ходимларининг Карта ҳисобварағини очиш тўғрисидаги ва пластик карталарни чиқариш тўғрисидаги ёзма аризалари, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари асосида ва ҳар бир жисмоний шахс билан алоҳида тузиладиган, яъни Банк ва иш ҳақи лойиҳаси бўйича Мижоз ходимлари (Карта Сақловчилари) ўртасида тузиладиган “Гарант банк” АЖнинг жисмоний шахслар учун “UZCARD” ва/ёки “HUMO” пластик карталарини фойдаланишга тақдим этиш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида Мижоз ходимларига Карта ҳисобварағи очиш;

2.2. Мижоз ходими ёки унинг вакили (нотариал тасдиқланган ишончнома асосида) шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этган ҳолда Банкка келганида Банк дастурий таъминотида Картани бериш;

2.3. Транзит ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушганидан ва Мижоз томонидан тўғри тўлдирилган ведомост 2 (икки) банк куни давомида тақдим этилгандан сўнг, иш ҳақи лойиҳасида иштирок этган Мижоз ходимларининг Карта ҳисобварақларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар суммасини, шунингдек пенсиялар, компенсациялар. ва ушбу ведомостда кўрсатилган бошқа ижтимоий тўловларни ўтказиш;

2.4. 3 (уч) иш куни ичида Карта бўйича амалга оширилган барча транзакциялар суммасига Карта Сақловчи ҳисобварағини дебетлаш;

2.5. Карта Сақловчига, шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда унинг Карта ҳисобварағидан кўчирма бериш;

2.6. Карта Сақловчи кодли сўзни маълум қилган ҳолда, Картани йўқолганлиги тўғрисида Банкка оғзаки хабар берилган пайтдан бошлаб бир банк куни ичида 3 (уч) банк кунидан кўп бўлмаган муддатга Карта Сақловчининг Картасини блокировка қилиш. Бу ҳолда Карта Сақловчи имкон қадар қисқа, лекин 3 (уч) банк кунидан ортиқ бўлмаган муддатда Банкка белгиланган шаклдаги ёзма ариза (жумладан факсимил хабарнома) тақдим этиб, Картанинг йўқолгани ёки ўғирлангани ҳолатини ёзма равишда тасдиқлаши шарт

2.7. Карта Сақловчи Картани йўқотганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисида ёзма ариза берган кундан бошлаб бир иш куни ичида, Карта Сақловчининг Картасини йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги бўйича блокировка қилиш.

2.8. Карта йўқолган (ўғирланган) ёки шикастланган тақдирда, “Гарант банк” АЖнинг банк пластик карталарини эмиссия қилиш ва пластик карталардан фойдаланган ҳолда “UZCARD” операцияларни амалга ошириш Тартиби” ва “Гарант банк” АЖ нинг сўмдаги пластик картасидан “UZCARD” да фойдаланиш бўйича Йўриқнома талабларига мувофиқ, ва Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ тегишли комиссия тўлангандан сўнг, ёзма ариза асосида 3 (уч) банк куни ичида Карта Сақловчига янги Карта бериш.

Мижознинг мажбуриятлари:

2.9. Мижоз ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни пластик карталарга ўтказиш орқали тўлаш ҳолатларида, Мижоз ходимларининг электрон шаклдаги рўйхатини, Банк талабларига жавоб берадиган шаклда тақдим этиш.

2.10. Мижоз ходимларининг Карта ҳисобварақларига иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун Карта ҳисобварақларини рўйхатдан ўтказиш ва очиш учун ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида топшириш. Электрон шаклдаги маълумотларнинг қоғозли ташувчиларда тақдим этилган маълумотларга тўлиқ мувофиқлигини таъминлаш.

2.11. Ушбу Шартнома бекор қилинганда, шунингдек ходимлар ишдан бўшатиш тақдирда, ўз ходимларига “иш ҳақи лойиҳаси” доирасида чиқарилган пластик карталарни Банкка қайтариб бериш зарур эканлиги ва ушбу Шартнома бекор қилинган кундан ёки ишдан бўшаган кундан бошлаб _____ иш куни ичида Карта ҳисобварақларининг ёпилиши тўғрисида хабар бериш.

2.12. Агар ишдан бўшатишган ходимга бириктирилган корпоратив Карта қайтариб берилмаса, Мижоз ёзма равишда Карта ҳисобварағини ва Карта Сақловчининг Картасини блокировка қилиш тўғрисида буюртма бериш.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Қуйидаги ҳолларда Банк жавобгарликка эга эмас:

3.1.1. Мижоз ходимлари олдида, агар Мижоз иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказишни амалга оширмаган ёки ўз вақтида амалга оширмаган ҳолларда;

3.1.2. Банкнинг назоратидан ташқари вазиятлар туфайли ўз мажбуриятларини бажариш имконияти бўлмаганда;

3.1.3. Хизматлар турининг, кўрсатилиши мумкин бўлган операциялар рўйхатининг, Сақловчининг Карталарига Инфратузилмада хизмат кўрсатиш муддатлари ва технологик шартларининг вақтинчалик қисқартирилиши/ёмонлашуви/ўзгариши, агар бу ҳолат қуйидагилар сабабли вужудга келган бўлса:

3.1.3.1. Банкнинг; “UZCARD” ва/ёки “HUMO” бошқа банк-иштирокчиларининг; “UZCARD” ва/ёки “HUMO” Карталарга хизмат кўрсатадиган ускуналари версияси ва нақдсиз ҳисоб-китоблар тизимининг алмашиши;

3.1.3.2. Банкнинг, “UZCARD” ва/ёки “HUMO” иштирокчилар бўлган банкларнинг ва “UZCARD” ва/ёки “HUMO” Карталарга хизмат кўрсатадиган ускуналарида ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимида мажбурий технологик регламент ишлари бажарилганда;

3.1.3.3. Инфратузилмада содир бўлган дастурий-техник узилишлар;

3.1.3.4. Инфратузилма электр таъминотидаги ва коммуникацияларидаги узилишлар.

3.1.4. “UZCARD” ва/ёки “HUMO” бошқа иштирокчиларининг Инфратузилмаларидаги Картага хизмат кўрсатиш шартлари учун.

3.2. Мижоз Банкка электрон шаклда тақдим этиладиган ва қоғозга чоп этилган маълумотлар (Мижоз ходимлари учун ҳисобварақлар очиш реестрлари, иш ҳақини ўтказиш (кирим қилиш) учун ведомостлар ва ҳ.к.) бир-бирига тўлиқ равишда айнан мослиги учун тўлиқ жавобгарликка эга.

3.3. Карта ҳисобварағига ўтказиш (кирим қилиш) масофадан хизмат кўрсатиш тизими (масалан, UzASBO) орқали амалга оширилган тақдирда, пул маблағларини ўтказиш (кирим қилиш) учун ведомост электрон файлга ишлов берилгандан сўнг назоратчи томонидан қоғозга чоп этиб чиқарилади.

3.4. Ушбу Шартлар ва Шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилиши бузилган тақдирда, Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормаларига биноан жавобгар бўладилар.

4. МАХФИЙЛИК

4.1. Банк Карта Сақловчи ва у томонидан Карта ҳисобварақларидан фойдаланиб амалга оширилган операциялар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишига кафолат беради.

4.2. Банк Карта Сақловчи ва у томонидан Карта ҳисобварақларидан фойдаланиб амалга оширилган операциялар ҳақидаги маълумотларни учинчи шахсларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда тақдим қилиниши мумкин.

5. УШБУ ШАРТЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Ушбу Шартлар бўйича тарафлар мажбуриятлари Мижознинг Аризасида курсатилган санасидан ююшлаб билан мурожаат Банк ва Мижоз ўртасида тузилган ушбу Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари кўрсатиш шартномаси амал қиладиган давр мобайнида амалда бўлади.

5.2. Ушбу Шартлар, агар Томонлардан бири бошқа Томонга ушбу Шартнома бекор қилингунга қадар камида 1 (бир) ой аввал ёзма хабарнома берган тақдирда бекор қилинади.

5.3. Қуйидаги шартларда тегишли ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнггина Мижознинг ушбу Шартлар юзасидан Банк олдидаги мажбуриятлар бекор қилиниши ва Томонларнинг мажбуриятлари тўхтатилиши мумкин:

5.3.1. Томонлар ушбу Шартлар ёки Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда;

5.3.2. Банк ва Мижоз ўртасида тузилган ушбу Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари кўрсатиш шартномаси бекор қилинганда;

